

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqqan boshlagan

2004-yil, 16-yanvar, 3 (592)-son

Sotuvda narxi erkin

## ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

● 2004 йил, 13 январь куни соат 19.27да Тошкент шаҳри аэропорти ҳудудида Термиз-Тошкент йўналиши бўйича НУ-1154 рейси бажарётган ЯК-40 самолёти қўниш чоғида ҳалокатга учради. Ҳалокат оқибатида 32 йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлди.

Одамлар ўлимга сабаб бўлган мазкур ҳалокат муносабати билан матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чоп этилди. Унга кўра авиаҳалокат сабабларини аниқлаш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилди ҳамда 2004 йил, 15 январь мамлакатимизда мотам куни деб эълон қилинди.

● Тошкент шаҳри аэропорти ҳудудида авиаҳалокат муносабати билан Президентимиз номига хорижий давлатлар раҳбарларидан чукчур ҳамдардлик билдирилган мактублар келмоқда.

● Матбуотда "2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

● Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда қўмитанинг 2003 йилдаги фаолияти, 2004 йилги иш режаси ҳамда Меҳр ва муруват йили муносабати билан ўтказиладиган тадбирлари кўриб чиқилди.

● "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг навбатдаги 6-жилди кўп миң нусхада босмадан чиқди.

● Тошкентда журналистлар клуби иш бошлади. У журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва Очиқ жамият институти — Ўзбекистон кўмак жамғармаси томонидан ташкил этилди.

● "NEAX-61E" рақамли телекоммуникация станциясининг ишга туширилиши билан Қозон тумани телефони тармоқлари абонентлари сонини 8 миңга кўпайди.

Янги станциянинг ишга туширилиши шаҳардаги телефон алоқасини яхшилашга қўлмасдан, балки саноқли дақиқаларда сайёрамизнинг истиқоматлиги билан ҳеч бир қийинчиликсиз боғланиш имконияти туғилди.

"... Сиздек мард ва довжор фарзандларимиз Ватанимизнинг тақдири, халқимизнинг бугуни ва келажagini, оналаримиз ҳаловатини, аёлларимиз, опа-сингилларимиз шаънини, бола-ларимизнинг қувноқ овозини, мусаффо осмонимизни сақлаш учун Оллоҳ таолонинг ўзи ато этган фазилатларни, белингизда, билагингизда бўлган қуч-қувватни тўла сафарбар этасиз, деб ишонаман».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидан

## ҲАРБИЙЛАР БАЙРАМ ҚИЛИШДИ

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 12 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Махсус авария-тиклаш бошқармасида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тантанада сўзга чиққан Агентлик Бош директори ўринбосари А.Избосаров, Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи, полковник Д.Голдман, Тарбиявий ишлар бўйича бўлим бошлиғи, подполковник А.Сағатов ва бошқалар барчани байрам билан қизгин кутлашди.

Маълумки, Махсус авария-тиклаш бошқармаси республика миёна алоқа объектлари ва ахборотлаштириш тармоқларидаги авария ишларига, аҳолини техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, магистрал кабелларни қуриш ва таъмирлаш, шаҳарлараро телефон алоқаларини ўрнатиш каби ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Бошқарма мутахассислари томонидан фавқулодда ҳолатлардаги ҳудудларда авария-тиклаш ишларига давлат бошқарув органларининг тезкор раҳбарлик қилишлари учун алоқа воситалари билан

таъминловчи бошқарманинг ҳаракатланувчи алоқа бўлимлари лойиҳаси ишлаб чиқил-



ган ва 2000 йилдан бошлаб амалда қўллаб келинмоқда. Кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун етарлича замонавий техникалар, асбоб-ускуналар ҳамда шахсий таркиб жалб қилинган. Шунингдек, миллий мустақиллик мафқурасини тарғиб қилиш мақсадида "Иқбол" нодавлат, нотижорат Ёшлар маркази шахсий таркиб билан доимий равишда давра суҳбатлари, учрашув ва мунозараларига ўтказиб келмоқда. Бу тадбирлар аскарларнинг хизматдан сўнг ҳаётда ўз ўринларини топишига, тур-

мушнинг барча кийинчиларига маънавий жиҳатдан тайёр бўлишига ёрдам беради.

Албатта, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ва қўлга киритилган ютуқларда Махсус авария-тиклаш

бошқармасининг ҳам ҳиссаси бекиёсдир. Ўтган давр мобайнида аъло хизматлари учун бошқарманинг кўп қисми ҳарбий хизматчилари ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди.

Жорий Меҳр ва муруват йилида ҳам Бошқарма улкан режалар, улуғвор максадлар йўлида фаолият олиб борапти.

Тадбир якунида ҳарбийлар учун концерт дастури намойиш этилди.

Ўз муҳбиримиз

## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра мамлакатимиз ҳукукни муҳофаза қилиш органлари, Давлат chegarаларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофиа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи мукофотланди.

Улар орасида Агентлик тасарруфидоли ҳарбий соҳа вакиллари ҳам борлиги қувонарлидир, албатта. Жумладан, Давлат фельдгерлик хизмати бошлигининг ўринбосари Маҳмуджон Аъзамович ИММОҚОРИЕВ "Меҳнат шухрати" ордени, Давлат фельдгерлик хизматининг Сирдарё вилояти бўлинмаси бошлиғи Ёрмат АБИЛОВ эса "Шухрат" медали билан мукофотланди.

Шунингдек, ушбу байрам муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан Махсус авария-тиклаш бошқармаси тиббиёт пункти бошлиғи, катта шифокор Рустам Шағиҳмедович ГАФИЯТУЛЛИН, Давлат фельдгерлик хизматининг Жиззах вилояти бўлинмаси бошлиғи Қурбонбой КАРИМҚУЛОВ, Тошкент ахборот технологиялари университети Радлоалоқа кафедраси бошлиғи Абдухалил Абдужалилович ТУЛЯГАНОВлар "Фахрий ёриқ" билан, Тошкент ахборот технологиялари университети Ҳарбий кафедраси шикл бошлиғи, катта ўқитувчи Эргашбек Ботирбекович МАХМУДОВ, Махсус авария-тиклаш бошқармаси Стационар таянчли алоқа тугуни Р-140 русумли радиостанция бошлиғи, катта техник Муродилжон Райимович ҲАКИМОВлар Агентликнинг "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланди.

Мукофотлар муборак, азизлар!

## МАРДЛАР ҚҮРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Маълумки, 1993 йилга қадар мамлакатимизда учта: Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлиги, Чирчиқ Олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти ва Самарқанд Олий ҳарбий автомобил қўмондонлик муҳандислик билим юрти мавжуд эди. 1993 йили Тошкент электротехника алоқа институти (қўзғирги ТАТУ)нинг Махсус факултети, 1994 йили эса Қуролли кучлар академияси ва Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртининг ташкил этилиши Қуролли кучларимиздаги илоҳотларнинг дастлабки олимларидан бўлди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факултети ўтган ўн йиллик фаолияти давомида юзлаб ҳарбий мутахассисларни етиштириб берди. Ватанимиз сарҳалларини қўриқлашда жонини фидо қилган, Ватан ҳақрамони, лейтенант Бобур Ғаниев уларнинг бири эди. Ҳозирда хотирасига бағишлаб унинг номидаги стипендия тасис этилган.

ТАТУда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган

тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Университет ректори, профессор С.Қосимов Ватан ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, Ҳарбий кафедранинг ўн бир нафар ходимлари Ўзбекистон Республикаси Мудофиа вазири буйруғига мувофиқ мукофотланганлигини ҳамда Махсус факултет курсанти С.Исаев Бобур Ғаниев номидаги стипендияга сазовор бўлганлигини маълум қилди. Шунингдек, у истеъфодаги полковник В.Баранюкни кўтүлү 85 ёши ва байрам билан табриклаб, қимматбахо соғва топширди.

Университет Ҳарбий кафедраси мудири А.Абдуҷамиллов, Хотин-қизлар кенгаши раиси Н.Юсулова ва талаба Ж.Каримбердиевлар ҳам сўзга чиқиб, ўз тилаklarини изҳор этдилар.

Университет талабалари ижросидаги концерт дастури йиғилишга ўзгача фойз киритди.

М.ИБРОҲИМОВА,  
ТАТУ "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФИЛАТЕЛИСТЛАР ЖАМИАТИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2004 йилдаги 8 январь 568-сонли гувоҳномасига асосан Ўзбекистон филателистлар жамияти рўйхатга олинди.

Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистонда чоп этилаётган почта ва филателия маркаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, улар орқали ёш авлоднинг Ватанга бўлган муҳаббатини ошириш, диёримиз тарихини ўрганиш, меъморий ёдгорликларимизни асраб-авайлаш ва дунё филателистлари билан дўстона муносабат ўрнатишдир.

Жамият яқин кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўз филиалларини очиб, барча марка ишқибозларини рўйхатга олишни бошлади. Ўз низомига асосан "Ўзбекистон почтаси" ДАК, "Ўзбекистон маркаси" АЖ билан ҳамкорликда почта маркаларини кенг тарғиб этиш билан бирга марка албомлари, каталог, китоб ва журналларни давлат тилида чоп этириш ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан бошқа кўплаб тadbирларни амалга ошириш устида иш олиб боради.

**Э.ҲАМИДОВ,**  
Ўзбекистон филателистлар жамияти раиси

## МЕҲНАТ ИЛА ОБРЎ ҚОЗОНГАН

1977 йилда Россиянинг Новосибирск алоқа олийгоҳини тамомлаб қайтган Маматсалай Полвонов иш фаолиятини Хоразм электралоқа ишлаб чиқариш бошқармасида иқтисодчи-муҳандис сифатида бошлади. 1979-1986 йилларда Қўшқўпир тумани электралоқа боғламасида иқтисодчи бўлиб ишлади. 1992 йилгача Хоразм электралоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Хоразм давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи вазифаларини бажарди. 1997 йилдан эса у "Хоразм почтаси" акциядорлик жамияти директори. Айтилган даврада ўзининг 50 ёшли юбилейини нишонлаётган Маматсалай аканинг фаолият йиллари қисқа сатрларга жо бўлса-да, улар замирида машаққатли меҳнат, ҳаётнинг аччиқ-чучук ва қувончли кунлари мужассам.

Ҳамкасбларидан Саъдулла Отаниёзов у ҳақида куйидагиларни таъкидлайди:

— Маматсалай Полвонов ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги боис иқтисодчилликдан корхона директори лавозимигача кўтарилди. У корхона иқтисодини кўтариш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича анча ишларни амалга оширди. Раҳбаримизнинг саъй-ҳаракатлари билан 27та автомобил харид қилиниб, корхона-ташкilotлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. У киши ишларни режа асосида олиб боради. Камтарин, ажойиб инсон. Хоҳ оддий ишчи-ю почтачи, хоҳ раҳбар бўлсин, кўнглига яқин олиб, ҳаммага

бирдек муносабатда бўлади. Барчага қўлидан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилади.

— Ўз ишини жудаям яхши билади, меҳнаткаш, етук мутахассис, — дейди суҳбатга қўшилган яна бир касбдоши Людмила Копилова. — Иш тўғрисида куну-тун қайғуради. Доймо ходимларнинг моддий фаровонлиги, кўпроқ ҳақ олиши учун шароит яратишга интилади. Жамоамиз номидан Маматсалай акани қутлуг 50 ёши билан табриқлаймиз ва уларга жамийи яхши ниятлар тилаймиз.

"Хоразм почтаси" акциядорлик жамияти 2003 йилни ҳам муносиб аяқунлади. Ўтган йил давомида 592,5 миллион сўмлик даромад олинди. Шундан аҳолига 159,8 миллион



сўмлик хизмат кўрсатилди. Қўшимча хизмат кўрсатиш ҳисобига ҳам 107 миллион сўмлик даромадга эга бўлинди.

Корхонада 828 ходим меҳнат қилмоқда, ўртача ойлик маош 27 миң сўмдан ошади. Ўтган йили 12та компьютер сотиб олинди, янги дастур асосида иш бошланди. Натижада пенсия ва пул жўнатмалари тўловларини таҳлил қилиб бориш ва улар устидан қаттиқ назорат ўрнатиш имконияти пайдо бўлди. Кадрлар тайёрлаш ва малакаларини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Маматсалай Полвонов тўрт нафар фарзандни тарбияламоқ-

да. Катта қизи Насиба унинг изидан бориш ниётида. Ҳозир у Тошкент ахборот технологиялари университетининг 4-босқич талабаси.

Яқинда М.Полвонов ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Бу фидойий инсон олиб борган самарали ишлари учун "Ўзбекистон почтаси" ДАКнинг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланди.

**СУРАТДА:** "Хоразм почтаси" акциядорлик жамияти директори Маматсалай ПОЛВОНОВ.

**Ф.МУҲАММАДИЕВ**  
Хоразм вилояти

## ШАРҒУНЛИК ЗОЯ ОПА

Жамоада иззат-эътибор топиш осонмас. Бунинг учун киши аввало, меҳнаткаш бўлиши, оғир ишлардан чўчмаслиги керак. Шу билан бирга, жамоадошлари билан аҳил ва иноқ, бир сўз билан айтганда, бир оила одамидаги бўлиб кетиши ҳам тақозо этилади.



**Зоя Шванская** тақдир йўриги билан Шарғун шаҳарчасига келиб қолганида бу ердан шундай иззат-икром топаман деб сира-сира ўйламаганди. Ўн етти ёшли Зоия жамоада жуда илқ қарши олишди. Тажрибали почта ходими Нюра Чориковага шогирд бўлиб иш бошлаган тиришқоқ бу қиз тез орада ҳамкасблари ишончини қозонди.

Умр оқар дарё экан. Шунга ҳам 38 йил бўлибди. Энди унинг ўзи устоз, ўнлаб шогирдлари бор. Улардан бир зум айрилгиси келмайди. Бўлмаса, шу йилнинг бошида нафақага чиққан эди.

Касбдошлари "Опа, сизга ўрганиб қолганмиз, кўзингиз қиймай қандай қилиб бизни ташлаб кетасиз", деб туриб олишди. Одам иззат-хурматдан яшаради, кўнгли ўсади. Зоя опа ҳам йўқ дея олмади. У киши айти кунларда "Сурхондарё почтаси" акциядорлик жамиятининг Узун филиалида обуналарни қайд этиш бўлимини бошқаряпти.

— Обуна мавсуми қандай ўтпти? — деган саволимизга Зоя опа шундай жавоб берди.

— Жуда яхши. Одамлар яна матбуотга қайтмоқда. Аввалги йиллардаги қараганда бу йил, айниқса, кўплаб матбуот нашрларига обуна бўлишди. Улар орасида "Халқ сўзи", "Туркистон" ва "Даракчи" газеталарига эътиборлар кўп.

Зоя Шванская бахтли она ҳамдир. Унинг фарзандлари турли соҳаларда фаолият кўрсатишмоқда.

**Ш.КОДИРОВ**  
Сурхондарё вилояти

## ЖЎЖА ҚАЧОН САНАЛАДИ?

ёки Обунани очикчасига ойдинлаштириш

Сарлавлани ўқиб, китобга унчалик ошно бўлмаган одам ҳам "Албатта кузда-да!", дея жавоб бериши табиий. Тўғри, дехқону қорвадордан тортиб бирор-бир моддий неъмат яратувчи табдиркор "жўжа"ни кузда санайди. Аммо биз, журналистлар "жўжамиз"нинг ҳисобини қишда, нақ чиллада қилишга одатланганмиз. Чунки айнан шу фаслда тахририятимиз эртанги кунини белгилаб берувчи "жўжалаштириш компанияси", яъни обуна мавсуми аяқунланади.

**Азиз ўқувчи,** "Хабар" алоқачилар нашри, у Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига тааллуқли ташкилот ва корхоналарнинг фаолияти ва муаммоларини ёритиб келаётганини ёзмамас ҳам ўзингиз яхши биласиз. Газетанинг шакл ва мазмун жиҳатдан анча ўзгарганию саҳифаларининг кўпайганини айтиб меҳнатимизни миннат қилмоқчи ҳам эмасмиз. Буларнинг барчаси биз қилишимиз керак бўлган оддий вазифалардир. Фақат тақор-тақор таъкидланса-да, бу сизга, на бизга зиён етказмай, балки фойда келтирадиган бир жиҳат бор — бу ҳам бўлса обуна ҳақида гапириш, ушбу мавсумни таҳлил этишдир.

Газетамизга жорий йил учун бўлган обуна борасидаги якуний маълумотни олган, бир томондан қувонган бўлсак, иккинчи томондан озгина ранжидик. Бизни хурсанд қилгани — гарчи барча обуначиларимиз сони ўтган йилги январ ойи кўрсаткичи-

га етмаган бўлса-да, айрим вилоятларда ҳатто ўсиш ҳам бор. Ранжитган жиҳати эса обуначиларимизнинг аксарияти фақат уч ёки олти ойга ёзилишган, холос. Келинг, фикримизга бошқа вилоятларга нисбатан энг кўп обуна расмийлаштирилган Қашқадарё мисолида ойдинлик киритайлик. Ушбу вилоятда январ ойи учун бўлган обуна сони 1015тани ташкил этади. Аммо бу кўрсаткич апрел ойига бориб 566тага, олти ойдан сўнг, яъни июлга бориб эса 236тага (ўтган йилнинг шу давридан салкам уч баробар кам) тушиб қолади. Қолган вилоятларнинг тахлили бундан ҳам самарасиздир. Айниқса, минглаб алоқачилар истикомат қиладиган Тошкент шаҳрида газетамизга атиги 198 дон обуна бўлигани жуда афсусландир.

Шу ўринда Навоий вилоятида муштарийларимиз сонининг ўтган йилга нисбатан анча кўпайганини айтиб ўтиш лозим. Яъни, бу вилоятда жорий йил учун газетамизга 660 дон обуна қилинган. Қуво-

нарлиси, унинг 96 фоизи бир йилликдир. Ўйлаймизки, вилоятда бундан ҳам юқори натижаларга эришиш мумкин.

Ушбу рақамларни ёзишдан мақсад кимнидир қоралаш ёки кимнидир ибрат қилиб кўрсатиш эмас. Қайси газетамизга обуна бўлиш-бўлмаслик ҳар кимнинг ўз ихтиёрида, албатта. Аммо ҳаётда фидойилик деган тушунчалар ҳам бор. Демокчи бўлганимиз, сиз, алоқачиларнинг, энг яқин ҳамроҳига айланган, 11 йилдирки ҳонадонимизга кириб бораётган соҳамизнинг ягона газетаси бор экан, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш айтиб юқорида айтган фидойиликка тенгдир. Янада аниқроғи, дунёда касбларнинг жуда кўпчилиги улар орасида санокли касбдигиларгина ўз наширга эга эканлигини инобатга олсак, сиз "Хабар"дан фахрланишга ҳақлисиз.

Обуна мавсумининг ҳар икки томонга ҳам фойдали эканлигини юқорида айтиб ўтган эдик. Бу — газетамизнинг ўқувчилари қанчалик кўп бўлса, бизга фикр-мулоҳаза билдирувчилар, қимматли маслаҳат берувчилар, мақола, хат-хабар юборувчилар сони ҳам кўпаяди, деганидир. Келинг, сафимизни янада кенгайтирайлик. Бунинг имконияти эса бор — обуна ҳали ҳам давом этмоқда.

# НОВЫЕ УСЛУГИ ПО МОБИЛЬНИКУ

Если мы говорим о развитии мобильной связи, то все больше подразумеваем внедрение новых услуг, в том числе услуг и сетей третьего поколения, которые все более заявляют о себе. Вот несколько примеров.



● **Германский** оператор мобильной связи Vodafone Group запустил мобильный сервис третьего поколения для избранных корпоративных клиентов. Представители Vodafone заявили, что они предложат корпоративным клиентам платы размером с кредитную карту для подключения к ноутбуку. Полностью технология 3G будет введена в действие в 2004г., сообщили представители компании.

● **Развитие сетей 3G** связано с индустрией мобильных телефонов, и сегодня производители телекоммуникационного оборудования уже делают шаги в этом направлении.

Так, китайская компания TechFaith Holding и корпорация NEC объявили о создании совместного производства STEP Technologies со штаб-

квартирой в Пекине. Новая компания займется разработкой и производством 2.5G- и 3G-телефонов под брендом NEC для мирового и китайского рынков.

А крупнейший в Японии оператор сотовой связи NTT DoCoMo приступил к тестовому использованию нового телефона, оснащенного смарт-чипом производства корпорации Sony - FeliCa. Он помогает хранить электронные деньги и личную информацию в одном устройстве. DoCoMo заявляет, что новый телефон будет предоставлен 27 провайдером, включая производителя видеосигналов Sega Corp и All Nippon Airways Co Ltd для тестирования их клиентами.

Транспортные компании также будут изучать возможность применения мобильных в качестве электронных билетов, а развлекательные фирмы размышляют над возможностью продавать билеты на концерты и фильмы через сотовый телефон.

Тестирование аппаратов продлится до осени 2004г. Представители компаний, участвующих в тестировании, не объявили, когда состоится коммерческий запуск телефона, однако DoCoMo планирует начать продажу трубок, оснащенных смарт-чипом FeliCa, уже в середине года.

● **Новинки** среди аппаратов мобильных телефонов и услуг, предоставляемых сотовыми опе-

раторах, доставляют, как оказалось, немало хлопот простым потребителям. Например, большинство шведов устали разрываться между мобильниками и обычными телефонными аппаратами, мечтая о едином телефоне для всех видов звонков, свидетельствует исследование крупнейшего в Скандинавии оператора TeliaSonera. На вопросы компании, главным из которых был: «В каком сервисе вы нуждаетесь больше всего?» - ответили 1457 жителей Швеции.

Среди респондентов-дам не последнее место заняло желание обзавестись сигнализацией, встроенной в мобильный телефон, в то время как мужчины мечтают о спутниковой навигационной системе с подробными картами. И мужчины, и женщины сходятся в том, что сотовый телефон необходимо оснастить электронной почтой. Женщины предлагают дополнить список услуг «напоминателями», а мужчины - возможностью хранить различные коды доступа и пароли. Одна треть представительниц сильной половины человечества остро нуждается в том, чтобы во время вождения телефон предупреждал их о стоянках впереди на дороге полицейских. Пятнадцать процентов респондентов хотели бы бронировать места в прачечных самообслуживания через мобильный.

● **Россия** также может похвастаться успехами в области предоставления новых услуг.

Компания «КантриКом», предоставляющая услуги интеллектуальной сети связи под торговой маркой «Алло, Инкогнито», объявила о начале коммерческой эксплуатации услуги «Инкогнито Номер». «Инкогнито Но-

мер» — федеральный или прямой городской номер телефона, который позволяет абоненту принимать звонки на любой телефонный аппарат, доступный в данный момент времени. Ус-

## МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

тацией, а также менять масштаб изображения.

Чтобы просматривать документы на экране мобильного,



луга предоставляется совместно с компанией «Соник-Дуо» (торговая марка «МегаФон-Москва»).

Услуга «Инкогнито Номер» позволяет сократить затраты на «лишние» мобильные звонки и решает проблему смены тарифного плана или оператора с сохранением номера. В распоряжении пользователя находится единый номер на все времена — «Инкогнито Номер».

● **Японская** корпорация Sharp объявила о своей новой разработке — совместном проекте с канадской софтверной компанией BitFlash: созданная ими система для электронных дисплеев (Electronic Document Display System) позволяет просматривать документы на мобильных телефонах.

Как заявляют представители Sharp, крупнейшего в мире производителя ЖК-телевизоров, новая технология позволяет просматривать на экране мобильного текстовые документы, электронные таблицы и презент-

и сначала нужно преобразовать с помощью сервера (Electronic Document Conversion Server) в векторный графический формат SVG-T (Scalable Vector Graphics-Tiny). Как заявляют в Sharp, новое ПО впервые позволит использовать формат SVG-T в мобильных телефонах.

Новой технологией просмотра документов будет оснащен мобильный телефон V601SH от Sharp — трубка с двухмегапиксельной камерой, которая производится для японского подразделения оператора мобильной связи Vodafone и будет продаваться лишь на внутреннем рынке. В будущем Sharp собирается выйти с новой технологией просмотра документов и на другие рынки, для чего планируется сотрудничество с местными операторами мобильной связи и системными интеграторами.

Источник:  
www.reuters.com  
www.rbc.ru

## НАСТОЛЬНЫЙ КОМПЬЮТЕР

Японская компания Fujitsu представила новый настольный компьютер FMV-Deskpower T, выполненный в виде единого блока с 22-дюймовым широкоформатным жидкокристаллическим дисплеем.

Источник: <http://ip.fujitsu.com>

## ТЕЛЕВИЗИОННЫЙ ИНТЕРНЕТ ТРАНСЛЯТОР

Philips Electronics выпустил телевизор, позволяющий создать беспроводную связь с Интернетом и персональными компьютерами, а также воспроизводить музыку, картинки и видео изображения от сети.

Источник: <http://www.news.yahoo.com>

## НОУТБУК СО ЗВУЧАЩИМ ДИСПЛЕЕМ

Японская компания NEC представила новый ноутбук LS900/BE серии LaVie S, в котором реализованы сразу две уникальные технологии - жидкокристаллический дисплей с трехмерным изображением и система Sound-Vi (разработка компании NXT), превращающая тот же самый дисплей в громкоговоритель.

Источник: <http://www.nec.co.jp>

## УВАЖАЕМЫЕ ГОСПОДА!

Организация реализует со склада в г. Ташкенте по безналичному расчету:

**Бумагу марки М "Гознак-копи"**, плотностью 80 грамм/м2, белизна не менее 100%, формат А4, предназначенную для оргтехники и ксерокопирования.

Контактные реквизиты:

тел: 137-53-27, 137-52-00,

факс: 998(71)137-52-07.

E-mail: [ftmtm@uzpak.uz](mailto:ftmtm@uzpak.uz).

## УСТРОЙСТВА ДЛЯ КОНЕЧНЫХ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ

### КИТАЙСКИЙ СМАРТФОН LENOVO ET560

Китайская компания Legend Group объявила о выпуске нового смартфона Lenovo ET560, работающего под управлением операционной системы Windows Mobile 2003 для Pocket PC. Устройство выполняется в корпусе-раскладушке и имеет два жидкокристаллических дисплея.

Источник: <http://www.legendgrp.com>

### НОВЫЙ DVD-ПРОИГРЫВАТЕЛЬ

Компания Linksys, подразделение Cisco Systems, сообщила о разработке нового DVD-проигрывателя Linksys DVD Player with Wireless-G Media Link (WMLD54G). Главной особенностью устройства является наличие адаптера для работы в беспроводных локальных сетях стандарта 802.11g.

Источник: <http://www.linksys.com>

## В МИРЕ КОМПЬЮТЕРОВ

### НОВЫЙ СУПЕРКОМПЬЮТЕР ОТ ИВМ

Американский электронный гигант — компания IBM завершает работу над созданием сверхмощного компьютера, который призван осуществлять тотальный контроль над Интернетом и анализировать находящиеся в нем данные в интересах ряда государственных служб США.

Проект, имеющий кодовое название WebFountain, уже сейчас позволяет IBM прочитывать и анализировать содержание 20 млн. Интернет-страниц в сутки.

Технически WebFountain представляет собой виртуальную систему из 2 тысяч серверов, которые работают параллельно. Суперкомпьютер имеет беспрецедентные возможности для решения сложнейших информационных и аналитических задач.

Источник: <http://www.bezpeka.com>

## ИНТЕРНЕТ-ДАЙДЖЕСТ

### В ИНТЕРНЕТ-МАГАЗИНАХ ПОТРАЧЕНО 13 МЛРД. ДОЛЛАРОВ

Согласно исследованию eSpending, проведенному компаниями Goldman Sachs, Harris Interactive и Nielsen/NetRatings, за прошедшую часть сезона зимних праздников (с 1-го ноября по 12 декабря 2003г.) Интернет-пользователи потратили в онлайн-магазинах 13 млрд. долларов, причем только за вторую неделю декабря - 2,95 млрд. долларов. В ходе исследования также выяснилось, что в Интернет-магазинах покупатели стали тратить довольно значительную часть «праздничного бюджета» - 21% (в прошлом году 16%).

Источник: <http://www.harrisinteractive.com>

### ВОЙНА СО СПАМОМ

Антиспамерский сайт Spamhaus открыл новую бесплатную службу, которая поможет ISP и компаниям отсекал гораздо больше спама на внешних рубежах своих серверов. Exploits Block List (XBL) представляет собой базу данных IP-адресов, по которым выявлены «незаконные» эксплойты, такие как открытые прокси. Так называют серверы, позволяющие устанавливать соединения из любой точки с кем угодно через произвольные порты и по произвольным протоколам.

Источник: <http://www.bezpeka.com>

GAZETADA BOSILMADI, AMMO...

ALOQA OLAMIDA

## ИШ ҲАҚИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНДИГАН БЎЛДИ

**Тахририятимизга Наманган вилояти, Чуст тумани, Варзик қишлоғи почтачиларидан шикоят хати келиб тушган эди. Мақтубда почтачиларга маошларнинг ўз вақтида тўланилмаётгани, уларнинг беш нафари иш ҳажмининг катта эканлигига қарамасдан мажбурий равишда тўлиқ штатдан ярим штатга ўтказилгани, ўртача маошлари 12-14 минг сўмни ташкил этиши ва бу оила тебратишда мушкуллик туғдираётгани ҳамда ўз ҳисобларидан алоқа бўлимини таъмирлаб келишаётгани қайд этилганди.**

Биз ушбу хатни атрофлича текшириб, натижасини маълум қилишни сўраб "Ўзбекистон почтаси" ДАКга мурожаат қилган эдик. Яқинда компания бош директори ўринбосари Э.Қосимов номидан қуйидагича жавоб хати олинди:

"... Варзик почта алоқаси бўлими хабарчилари ҳақиқатан ҳам ўтган 2003 йил мобайнида ойлик иш ҳақларини кечиктириб олганликлари аниқланди. Ушбу муаммо юзасидан банк муассасаси билан маошларнинг ўз вақтида тўланиши борасида келишиб олинди ва бу тўғрида почтачиларга маълумот берилди.

Иш ҳажмига келсак, хат-хабарлар 2000 йили 2589 дона бўлса, 2003 йилнинг 9 ойи давомида 2314тани ташкил қилган. Пул жўнатмаси 2000 йили 148 мартаба амалга оширилган бўлса, 2003 йилнинг 9 ойида 121та қабул қилинган. Беш нафар почтачи томонидан 1 ноябрдан бошлаб бир мартаба тарқатиш учун олинганда газеталарни қўриб чиқганимизда "Халқ сўзи" ва "Маърифат" икки дона, "Наманган ҳақиқати" ва "Иқтисодийёт ва солиқ" бир, "Дибнат" — 148 ва бошқа газеталарнинг жами 217та, журналлардан "Гулкан" — 38, "Ёш куч" — 14, "Саодат" — 8 ва бошқа журналларнинг жами 277та ҳамда жорув учун жами 282 дона нашр олинди аниқланди.

Алоқа бўлими ходимлари йиллик иш ҳақларининг 2000 йили жами 336923 сўмга, 2001 йили 407108 ва 2003 йили 1100000 сўмга тўғри келиши йилдан йилга маошларнинг ўсиб бораганини кўрсатади. Иш ҳажми бир фоизга ўсганда маошларнинг 0,7 фоизга ошиши кераклиги ҳақида маълум қилинганда улар бу тартибдан беҳабар эканликларини айтиб ўтдилар.

1951 йилда ҳам йилдан қурилган Варзик почта бўлими тўрт хонадан иборат бўлиб, умумий ҳолати ўртача. Ўтган йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинган муносабати билан Варзик қишлоғида ҳам катта ободонлаштириш ишлари олиб борилган, шу жумладан, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси раҳбарлигида почта бўлими бошлиғи С.Бойматова ташаббуси билан бўлим биноси олди фасаднинг саккиз метрлик бетон қисми почтачилар томонидан безатилган. Бу ишга икки қоп цемент сарфланган. Бинони оқлаш, бўёқ ишлари почта бўлими ҳисобидан амалга оширилган.

Почта бўлими биносини капитал таъмирлаш 2004 йил режасига киритилди. Юқоридаги шикоятнинг келиб чиқишига Чуст тумани филиали раҳбарияти ва бошқарув ходимлари томонидан почтачиларга уларнинг билиши зарур бўлган вазифалар тўғрисида олиб борилган тушунтириш ишлари талаб даражасида эмаслиги сабаб бўлган.

Ўтказилган суҳбатдан почта ходимлари тўла қониқиб ҳосил қилишди". Тилга олинган бу сингари муаммолар биргина Варзик қишлоғида мавжуд эмаслиги барчамизга аён. Бунга жойлардан шу мазмундаги бошқа хатлар келаятгани ҳам мисол бўла олади. Албатта, ушбу мақтубларнинг ҳеч бири эътиборимиздан четда қолмайди. Асосий мақсадларимиздан бири ҳам жойларда оддий эътиборсизлик, масъулиятсизлик оқибатида келиб чиқаётган муаммоларни бартараф этишга, ходимларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларига кўмаклашишдан иборат.

Ўйлаёмизки, билдирилган фикр-мулоҳазалардан жойларда масъулиятни зиммаларига олган шахслар уларига тегишли хулосаларни чиқариб олишади.

Л.ТУРСУНОВ

## ХАКЕР ҚЎЛГА ТУШДИ



**Йигирма**

икки ёшли хакер Адриан Ламо New York Times нашриёти компьютер тармоғини бузганини тан олди. Эслатиб ўтамиз, Ламо ўтган йилнинг сентябр ойида ўз ихтиёри билан АҚШ ҳукумати вакилларига таслим бўлган ва унга нисбатан New York Times маълумотлар базасини ижозатсиз ўзгартириш, LexisNexis ахборот хизматидан ноқонуний фойдаланиш ҳамда катта моддий зарар етказганлик каби айбловлар қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, Ламо компьютер тизимларини бузишда, асосан интернет-браузердан фойдаланиб, тармоқни сканерлаш орқали ҳужжатлаш

тирилмаган веб-саҳифаларни қидирган. Қўлчанча компьютер тизимларининг маъмурлари ўзларини унчалик уринтиришмасдан махфий ахборотни сақлашда номаълум манзилгоҳдан фойдаланиб кўла қолишади. Адриан Ламо жуда қўлаб компанияларнинг компьютер тизимларини ишдан чиқарган бўлсада; унинг ўзи мазкур компаниялар раҳбариятига дастур таъминотидаги носозликлар борасида хабар бериб тургани ҳамда уларни бартараф қилишда иштирақ этиб келгани боис аксарият ҳолларда жабранувчи томон бу ҳақида шикоят қилмаган.

Суд хакер устидан шу йилнинг 8 апрелида ҳукм чиқаради. А.Ламога нисбатан 6 ойдан 12 ойгача озоқлиқдан маҳрум этиш жазоси қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, у 30-70 минг АҚШ долларини миқдоридан жарима ҳам тўлайди. Даъвогарларнинг айтишича, етказилган зарар 300 минг доллардан кам эмас экан.

## HP ва APPLE ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

**Лас-Вегас** (Невада, АҚШ)да ўтган Consumer Electronics Show (CES 2004)

кўргазмасида Hewlett-Packard компанияси бош директори Карли Фиорина Apple Computer фирмаси билан шартнома имзоланиши ҳақида эълон қилди.

HP ушбу шартномага мувофиқ, Apple iPodнинг замонавийлаштирилган MP3-плеерларини ўз савдо маркаси остида тарқатиш ҳуқуқига эга бўлади. Фақат плеерлар оқ рангда эмас, балки мовий тусда чиқарилиб, юза қисмига Hewlett-Packard логотипи ўрнатилди. Унинг қолган барча қурилмалари ҳақиқий iPodга тегишлидир. Бундан ташқари, HPнинг барча туркумдаги компьютерлари олдиндан ўрнатиладиган iTunes — дастурли овоз узатиш аппарати билан савдога чиқарилади.

Тузилган шартноманинг молиявий

томонлари ошқор этилмаган бўлсада, ҳар иккала томоннинг ҳам катта фойда олиши аниқ. Hewlett-Packard оммавий MP3-плеерларини сотишдан даромадларини оширишга эришади.

Apple онлайн дўкони эса ўзига қўшимча миқозларни жалб этади. HP iPod плеерлари муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган янги ҳимоя тизими билан таъминланади.

Айни пайтда дунё бўйича икки миллиондан ортиқ iPod плеерлари сотилган. Apple одатдагиларидан шакли ва оғирлиги ҳамда қаттиқ диск ҳажми кичиклиги билан ажралиб турувчи арзонлаштирилган iPod Mini плеерларини ишлаб чиқиши ҳақида ҳам хабар берган.

**Internet материаллари асосида тайёрланди**



## SAFAR TAASSUROTлари


# ДОНИШМАНДИК КИТОБИДАН ЛАВҲАЛАР

**Инсон юрган йўлида ўзи билмаган ҳолда ҳамиша гўзаллик ахтарди. Олтин кўзнинг дастлабки ҳафтлари Хитойда хизмат сафарига бўлганимда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Қирғоқларини Тинч океанининг Сарик, Шарқий Хитой ва Жанубий Хитой денгизлари ювиб турувчи бу давлатнинг мўътадил ва субтропик иқлими бизларга қандайдир енгиллик бағишлаган, ўзимизни фавқулодда янгиликларга чоқлаган эдик.**

Бу ўлка халқларининг ҳунармандчилик намуналарига диққат қилсангиз қандайдир уйғунлик кўрасиз. Ана шу бир-бирини тўлдирувчи жозибани нафақат халқ амалии, балки театр санъатида ҳам сезиш мумкин. Икки томони тоғлар билан ўралган очик ҳаводаги театрда сўзсиз саҳна асарини томоша қилганимизда ҳам шунинг гувоҳи бўлдик. Одамзод тарихи, муз даври, умуман, инсоният тафаққури тантаналарининг балет санъатидаги инъикосини кўриб, хис этиш нақадар ҳузурбахшилигини таърифламоққа тиллар ожизлик қилар, биз меҳмонлар бир-биримизга "койил, азаматлар!" дегандек нигоҳ ташлаб қўядик, холос. Аста борликча қоронғулик чўкиб, самонинг у ер-бу ерида юлдузлар чарақлай бошлаган дам балет то-

мошасига маҳлиё бўлганча Қуёш тутилиши баён этилган ёзма маълумотлар милоддан аввал 720 йилда Хитойда ёзилгани, энг қадимги юлдузлар жадвали IV асрда Ши Жэн томонидан тузилгани ҳамда Буюк Ипак йўли мўъжизалари ёдимга тушди. Ҳа, хитойликлар дунёни илм-маърифатлари, санъатлари билан доимо лол қолдириб келганлар. Агар хабарингиз бўлса, "Шин зин" ("Қўшқилар китоби") ҳам милоддан аввалги VI асрда ёзилган бўлиб, ундан уч мингта халқ қўшиқлари ўрин олган. Ҳа, замонлардаёқ хитойларнинг салкам юз халқ камони, урма, пуфма ва қўнғирокли мусиқа асбоблари бўлган.

Бизни икки соат мобайнида хайратлар оламига сайр эттирган сўзсиз театрни олайлик. Бу санъатнинг шаклланиши ҳам



XV-XVI асрларга бориб тақалди. Бир неча асрлик тарихга эга бўлган санъатнинг таъсир кучи, берган маънавий қувватидан гоъ мамнун ҳолда инсониятнинг энг пок, энг беғубор болариди ором топгандек бўлди. Санъаткорларнинг ижодкорлик аталмиш шодлик жилваланган чеҳраларида, қилган тақалуф-тавозеларида, томшабинга — инсонга бўлган буюк муҳаббат зоҳир эди.

Хитойликларнинг гўзаллиқни ижод қилиб, у орқали ўз турмуши ва қалбини безатмасдан яшай олмаслиқларини Шенжян шаҳрида

ҳам ҳар қадамда ўз кўзимиз билан кўрдик. Буюк Хитой девори... инсон қўлининг сирли кудратини викор билан намойиш қилиб, дилларга бетакор тўйғулар бахш этади. Осмонлар бинолари, Ню-Йорк, Италиянинг Флоренцияси, Ниагара шаршараси, Тож Маҳали бўлган табиат қўйнидаги улкан музейда яна ўзингизни хайратлар дунёсига топасиз. Мазкур беш гектарлик миллий боғда ўзингизни қураб турган бу сирли-сехрли олам бор-йўғи макетлардан иборат эканлигига ишонгингиз келмайди.

Хитойлар нафақат ўз ўтмиши, балки бутун инсоният ўтмишига ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлишларини кўп эшитгандим. Мана, бунга ўзим ҳам гувоҳ бўлиб қайтдим. Турғида, одам ўз тарихини билиб олгандагина бунгунги ва эртанги кун макенини белгилый олади. Халқларни бирлаштирувчи Буюк Ипак йўли ҳам Хитойдан бошлангани беҳиз эмасдир. Хитой девори — дунёдаги энг хайратли ёдгорликларнинг бири қаршида ҳаёлимдан ана шулар кечганди.

Чин элининг тadbirkor ва тежамкорликлари ҳам бағоят ибратли. Шаҳарлараро телефон станциялари анжомларини олиб


келишга кетган қимматли вақтимишга ачинмадик. Зотан, улардан ҳали жуда кўп нарсани ўрганишимиз, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашимиз зарурлигига имонимиз комил бўлди.

— Келгуси маймун йили жуда яхши келади, — деган эди йўлбошчи ҳамроҳимиз Чжен жаноблари. — Негаки Синегун (маймун) — жасорат ва адолат, хуррамлик ва умрбоқийлик тимсолидир. Унга тушунлик ва фамбодалик беғона. У қаққон, эңгилу уdda-бурон. Бу йилда, эсингизда бўлсин, айниқса, бизнес, ижод билан шуғуланувчиларга ва интеллект соҳибларига омад кулиб боқармиш...

Бу хитойликлардан эшитганларимнинг юздан бири, холос. Аслида уларнинг донишмандлик китобини қанча ўқисангиз шунчалар оздир. Шундай эмасми?

**"Фаргона Телеком" филиали директори ўринбосари Шукур АЛИМОВнинг сафар таассуротларини Хафиза САЛҲОВА оққа кўчирди**

ТЕЛЕДАСТУРЛАР 19-25 январ учун TVI, TVII, TVIII, TVIV, OPT, RTP, NTB



ДУШАНБА, 19

Узбекистон телеканали TVI
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Азборот"

мартаб:
"Кизилкош ва етти қаран". Бадий фильм
"Болалар сайраси"

СЕШАНБА, 20

Узбекистон телеканали TVI
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Азборот"

Телеконтра.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
20.00 Оқшом эртаслари

ЧОРШАНБА, 21

Узбекистон телеканали TVI
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Азборот"

"Хайат ва қиёмат"
19.05 "Хайат ва қиёмат" студияси: Бағрам Шавад

ПАЙШАНБА, 22

Узбекистон телеканали TVI
6.00 "Ассалом, Узбекистон!"
8.00-8.35 "Азборот"

14.10 "Дунё бўйлаб"
14.30 Қунараги сеанс: "Тошда ҳам дарахт ўсди"

23.45-23.50 Ватан тилчилари.
"Ешлар" телеканали TV II
17.00 Кўрсатувлар дастури.

Бадий фильм.
17.40 ТВ-аним.
17.45 "Азборот" (рус.)

"Қирғоқдаги саргушастлар".
17.40 "Лайф"
17.45 "Хоржа хабарлари"

21.25 "Оштин". Телесериал.
22.10 "Отлар суян - ақинин кўни"

17.55 "Хоржа хабарлари".
18.00, 21.10 "Экспресс" телегазети.

20.20 "Халқ шайхонаси".
21.05 ТВВил сериал: "Бибилска пур"

"Луга Фернандо".
17.45 Мультифильм.
17.55 "Хоржа хабарлари"

12.50 Мусликлар дастури.
13.00 Дар.
13.10 ТВ-аним.

"SPORT", ТЕЛЕКАНАЛИ.
21.30 "Хабарлар".
21.45 Жаҳон спорт: "Проф-РНИ"

6.00 Телеканал "Добро утро"
9.00 Навости
9.05 Сериал "Следующий" (Next-3)

"SPORT" ТЕЛЕКАНАЛИ.
18.30 "Хабарлар".
18.45 Жаҳон спорт: "Тенис"

20.05 "Сосот" хабарлари.
20.10 Сабҳатона.
20.30 ТВ-аним.

5.05 Спешный человек. Русский след
6.00 ВЕСТИ.
6.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.

3.00 "Добро утро, Россия!"
6.45 Сериал "Русские анжелои-2"
7.50 "Короткое замкание". Ток-шоу.

3.20 Боевик "Поль и ярось-2"
9.30 Навости
9.35 "Крути на полку", 2-я серия

20.05 "Сосот" хабарлари.
20.10 Сабҳатона.
20.30 ТВ-аним.

21.00 «ВЕСТИ»
21.20 «Простите Темурали»
22.15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

1.00 СЕРИАЛ "Ангели Чарли"
1.50 Канал «Европа» на русском языке.
2.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

22.05 Х/ф "Барак"
23.00 "Линей-клуб"
0.45 "Ангели Чарли"

22.05 "Сосот" хабарлари.
22.10 Сабҳатона.
22.30 ТВ-аним.



**XORIJ POCHTASI  
YANGILIKLARI**

**ИРОҚДА ЯНГИ ПОЧТА  
МАРКАЛАРИ**



Ушбу мамлакатда журналистлар ва мутахассисларга илк бора янги почта маркалари намойиш қилинди. Уни Саддам Хусайн тузуми тугатилгандан сўнг, матбуот вазирилик босмага тайёрлади. НТВ телекомпаниясининг хабар беришича, бундан буён почта белгиларида собиқ президентнинг сурати ўрин олмайди. Саддам Хусайннинг ўрнига эса – миллий транспорт воситалари: отуловли арава, паровоз ва қайиқ жой олган.

Ироқда телефон алоқаси қарийб ишламайди. Шунинг учун ҳам хат ёзишмалари бу юрда алоқанинг асосий манбаи бўлиб қолмоқда.

**ТЕЛЕГРАФ ЖўНАТМАЛАРИ  
ТАРИХДА ҚОЛДИ**

“Укрпочта” давлат почта алоқаси миллий оператори янги йилдан бошлаб телеграф жўнатмалари хизматини тўхтатди. Бунга сабаб у сифат жиҳатидан электрон жўнатмалардан ортада қолиб кетганидир.

Бундан ташқари, йил бошидан янги – “Экспресс” хизмат тури йўлга қўйилди. Шу билан бирга, реклама ва ахборот материалларини тарқатиш бўйича хизмат кўрсатиш ҳам бошланди. Ушбу хизматларга тариф баҳори жўнатма вазири ва бажариладиган иш ҳажмига қараб белгиланади.

“Укрпочта”, шунингдек, транспорт орқали почта юкларини ташиш учун белгиланган тарифларни ҳам камайтирган.

(Давоми.Аввали ўтган сонларда.)

**ИҚТИСОДИЙ АТАМА ВА  
ТУШУНЧАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУФАТИ**

**ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИК**

**Ё**  
**Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти (акционерное общество закрытого типа, close corporation)** — Акциялари очик савдога чиқарилмайдиган акциядорлик жамияти. Таъсисчилар қарорига мувофиқ унинг ақшалаари ёпиқ обуна шаклида тарқатилиши мумкин.

**Ж**  
**Жамгарма (сбережение, economu)** — Аҳолининг келажак эҳтиёжларини қондириш ва келажакда харид қилиш учун сақлаб қўйилган пулли даромадлари; унинг ҳажми ихтиёридаги даромаддан истеъмол харажатларини айириш йўли билан белгиланади.  
**Жамгарма банки (сберегательный банк, saving bank)** — Кредит муассасаси бўлиб, унинг асосий вазифаси аҳолининг пул жамғармаларини жалб қилиш ва кредит беришдан иборатдир.

**Жамғармалар (вклады, deposit, investment)** — Банк ёки бошқа молиявий муассасага сақлаш мақсадида топширилган пул маблағлари.

**Жамғармачи (вкладчик, depositor; investor)** — Омонат касасига (банкка) пул (жамғарма) қўювчи шахс.

**Жарима (штраф, fine, forfeit, penalty, surcharge)** — Қонунни, шартнома ёки белгиланган қоида-ни бузганлик учун кўриладиган чора, пул тўлови.

**Женева конвенцияси (Женевская конвенция, Geneva convention)** — 1949 йили уруш пайтида фуқароларни ҳамда урушда азият чеканларни химоя қилиш мақсадида ташкил этилган.

**Жисмоний шахс (физическое лицо, physical body)** — Иқтисодий фаолиятда қатнашувчи ва бу жараённинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида фаолият кўрсатувчи шахс. Жисмоний шахс ўзи номидан иш юритади, фирма ёки корхона каби ҳокимиятда рўйхатдан ўтиш мажбуриятдан озод.

**3**

**Заём (заём, borrowed money; loan)** — Қарз; заём берувчи ва заём олувчи ўртасида тузиладиган келишув, битим. Заёмлар бир неча турларга бўлинади: давлат заёми, ютуқли заём, муддатсиз заём, ташқи заём, тилла заём, ҳукуматлараро заём, очик заём, ёпиқ заём, фоизли заём ва бошқалар.

**Зарарлар (убытки, damage, loss)** — Корхона ёки хўжалик фаолияти ишлаб чиқариш харажатларининг даромаддан ошиб кетган қисми. Зарар режада кўрсатилмайди. Зарар билан ишлайдиган корхоналарга молия ва банк органлари томонидан чоралар кўрилади, назорат кучайтирилади.

**И**

**Иерархия (иерархия, hierarchy)** — Шундай тизимки, бунда қуйи ман-

сабдорларнинг юқори мансабдорларга бўйсунуш тартиби ўрнатилади.

**Ижара (аренда, lease, rent)** — Мулккий ёллануш бўлиб, унда ижара сўровчига маълум мукофот пули эвазига, яъни ижара ҳақи учун шартнома асосида мулк вақтинча фойдаланишга берилади.

**Ижара ҳақи (арендная плата, rent, royalty)** — Вақтинча фойдаланиш учун берилган мулк, иморат ёки ер учун ижарачининг ижарага олувчидан оладиган ҳақи (мукофот). Ижара ҳақининг миқдорида мулк қийматидан ажраладиган амортизация ажратмалари ва шартнома асосида белгиланадиган мулкдан фойдаланганлик натижасида тушадиган даромаднинг бир қисми (одатда, банк фоиизидан кам бўлмайди) қиради.

**Ижарачи (арендатор, holder, leaseholder)** — Шартномада келишилган доирада ижарага берувчининг мулкидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини (белгиланган муддатга) оладиган шахс бўлиб, у бунинг учун ижара берувчига ижара ҳақи тўлайди.

**Ижтимоий химоя (социальная защита, social protection)** — Айрим ижтимоий гуруҳларга ҳар томонлама ёрдам бериш учун йўналтириладиган давлат тадбирлари йиғиндиси. Масалан, компенсация, турли энгилликлар.

(Давоми бор.)

**MINI FUTBOL**

**АЛОҚАЧИЛАР ТУРНИРИ**

Яқинда Навоий шаҳрида Ватан химоячилари кунига бағишланган мини футбол бўйича алоқачилар очик турнири бўлиб ўтди. Турнирда “Навоий Телеком” филиали, “Навоий почтаси” АЖ, “Шаҳарлараро алоқа корхонаси” – 10, “Дзу Юнител”, “Коском” ва “Уздунробита” қўшма корхоналари ҳамда Навоий вилоят телерадиокомпанияси жамоалари иштирок этдилар.

Мусобақа қизгин баҳсларга бой бўлди. Унда голибликни “Коском” қўшма корхонаси қўлга киритди. Турнирни ўтказишдан асосий мақсад вилоят голибини аниқлаш билан бирга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Республика алоқа ходимлари касабаяношмаси марказий қўмитаси томонидан ўтказилиб келинаётган мини футбол бўйича кўча кубоги баҳсларига энг иқтидорли ўйинчиларни саралаб олишдир.

**М. ДОВУЛОВА,  
“Навоий Телеком” филиали  
спорт инструктори**

**ВОКС**

**БАҲСЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Аввал хабар берганимиздек, бокс бўйича республикамиз терма жамоаси аъзолари Филлиппинда ўтказилаётган Осиё чемпионатида тўлиқ таркибда жўнаб кетишганди. Афина Олимпиадасига йўланма берувчи мазкур чемпионатда 25та давлатнинг 173 нафар чарм қўлоқ усталари иштирок этишмоқда. 12 январь кун мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шундан сўнг беллашувларга старт берилди. Мусобақада боксчиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда. Яқиний натижалар билан газетамизнинг кейинги сониди танишишингиз мумкин.

**FUTBOL**

**ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ  
ҚУЛИЛАР АНИҚЛАНДИ**

УЕФАнинг расмий сайтыда ўтган йилнинг рамиэй терма жамоасига овоз бериш ўз низо-


**SPORT, SPORT, SPORT**

сига етди. Қарийб бир ярим миллион киши иштирокда қуйидаги футболчилар ва уларнинг мураббийи аниқланди.

Дарбозабон – Жанлуиджи Буффон (“Ювентус”), химоячилар – Алессандро Неста, Паоло Малдини (ижаласи ҳам “Милан”дан), Паулу Феррейра (“Порту”); Роберто Карлос (“Реал”), ярим химоячилар – Луйш Фигу, Дэвид Бекхэм, Зайниддин Зидан (барчаси “Реал”дан), Павел Недвед (“Ювентус”), ҳужумчилар – Терри Анри (“Арсенал”) ва Руд ван Нистелрой (“Манчестер Юнайтед”). Мураббий эса Жозе Мауриню (“Порту”).

**“ЧЕЛСИ”  
АЪЗОСИНИ ЎҒРИ УРДИ**

Аргентиналик машҳур ярим химоячи Хуан Себастьян Вероннинг Лондондаги уйига кечаси ўғри бостириб кириб, унинг хотини ва икки фар-



зандини гаровга олган ҳамда пул ва қимматбаҳо тақинчоқлар беришини талаб қилган, дям хабар беради “Дейли телеграф” газетаси.

Босқин натижасида 60 миң фунт стерлинг атрафидида пул ва буюмлар ўғирланган. Ҳозирда тергов ишлари олиб борилмоқда.

– Биз жуда кўриб кетдик, бироқ ряхиямки ҳаммамиз соғ-омонмиз, – деди воқеадан сўнг футболчи.

Эслатиб ўтамиз, “Челси” клуби аъзосининг йиллик маоши 4 млн. фунт стерлингни ташкил қилади.

**“АМПЛИТУДА”  
КРОССВОРДИ**

1	2	3	4	5	6
		7	8		
9	10			11	12
13	14	15		16	
	17		18		
19		20	21		22
23		24	25	26	27
28				амплитуда	
29					30

**ЭНИГА:** 1. Ҳаво мавжуд бўлмаган бўшлиқ. 4. Физика бўлими. 7. Электр кучи бирлигини ўлчайдиган асбоб. 9. Бир маромада, бир ...да. 11. Энг кичик адабий жанр. 13. Бразилиялик собиқ футболчи. 14. Суғорилмайдиган ер. 16. Голландия қарнай. 17. Мевали дарахт. 18. Ҳақиқийси, оригинали. 19. Фов. 21. Денгиз йиртқичи. 23. Қурмоқ, яратмоқ. 25. Шерият. 27. Фафур Фуломнинг машҳур шеъри. 28. АМПЛИТУДА. 29. Радиус бўйлаб тарқалган, шуъласимон ҳолат. 30. Тоғ тизмаси.

**БҮЙИГА:** 1. Темирўл бекати. 2. Автомобил тури. 3. “Кичкина” мотоцикл. 4. Саҳна асари. 5. Ёшувчи фойдали қазилма. 6. Гуноҳор. 8. Актёр Жан .... 10. Хамроҳсиз, шериксиз. 12. Тебраниш кенглиги. 15. Дарё ўзани. 16. Россия телеграф агентлиги. 19. Нон ёпилмайдиган мослама. 20. Машҳур актёрнинг қисқача номи. 22. Долзарб. 23. Текин. 24. Тинчланиш. 26. Африка давлати. 27. Электр қуввати ўлчов бирилиги.

Тузувчи: Л.САИДУРОДОВ

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Хоразм вилояти “Матбуот тарқатувчи” МЧЖ жамоаси “Хоразм почтаси” АЖ директори **Маматсалой ПОЛВОНОВ** ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Унга сихат-саломатлик, оилавий хотирхамлик ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.

TURMUSH CHORRAHALARIDA

**Шифохонада ишлаб юрган кезларимда болалар бўлимида буvisи билан ётган бир қизалоқ беихтиёр мени ўзимга жалб этди. Исми ҳам хисмига монанд — Мафтун. У бошқа болалардан бутунлай ажралиб турарди. Ҳали тўрт ёшга ҳам кириб улгурмаган бу қизалоқнинг кўзлари жудаёки майяс, мунгли эди. Бир кунни янги бемор келганлиги сабабли уларнинг хонасига кирдим. Қизалоқ деразадан ташқарига тикилганча буvisини саволга тутарди:**

— Бувижон, мен яхши қиз бўлсам аям қайтиб келадими?  
— Ҳа, болам, аям келади.  
— Улар ҳам мени соғинадиларми?  
— Ҳа, болам, ихкала кўзи билан соғинади.  
— Мен уқолдан кўркмайман, йиғламайман ҳам-а? Аям келса йиғламади деб айтинг, хўпми, бувижон.  
— Майли, жон болам.  
Улар жим қолишди. Мен ноқулай аҳволга тушдим. Чикиб кетишимни ҳам, кетмаслигимни ҳам билолмасдим. Бу ўнгайсизлики аёлнинг ўзи бузиб, мени ўтиришга таклиф этди. Сўхбат давомида аёлдан Мафтунанинг онаси ҳақида сўрадим. Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Шоша-пиша кўз ёшларини артиб, Мафтунга юзланди:  
— Болам, бор, ўйинчоқлар хонасида

мактабни тугатган кунни қўшимизнинг ўгли Қаҳорга нон ушатдик. Қариндошларимиз бизга бермадингиз, дея ҳафа бўлишди. Айримлари эса ошора: "Келиб-келиб асраб-авайлаган қизингни "Фармонбиби" га беряпсанми? Ахир, қизингни хароб қилади-ку! Келинларини қандай қажатганини билмайсанми?", дейишди. Мен эса бу гапларга парво қилмадим. Айни қовун пишиғида дилбандимнинг тўйи бўлди. Тумонат одам келди. Қизим ўйимизни тарз этаётганда отасига осилиб хўп йиғлади. Зўрға овутиди. Қизгинам бутун қишлоқнинг ҳавасини келтирадиган ойдек келин бўлди. Аммо... аммо орадан уч ой ўтгач, у уйга хомуш кириб келди.

— Ҳа, болам, тинчликми?  
— Тинчлик, ойижон. Олма егим келяпти. Қайнонамга айтгандим, улар "Олманинг килоси фалон пул! Ўзимиз зўрға кун кўряпмиз. Тўйнинг қараларидан қутулайлик, кейин тўйгунингча ейсан!", деди.  
— Вой ўлмасам, бошқоронги бўлибсан-ку болам. Кир уйга, тезроқ қирақол. Қайнонанг ҳам бор бўлинди. Утира тур, мен ҳозир олиб келаман...

Шундан сўнг укаларини унинг олдига юбориб, нима егиси келаяптанини суриштирадиган бўлдим. Бир кунни укаси қудамникидан йилғамсираб келди. Почаси қўлидаги тугунчани отиб юборибди. Қудохоланинг олдига ўтиб, ётиги билан тушунтирдим.

— Нима, қизингиз бизникида оч қоляптими?  
— Бошқоронги эканда айлана, ундай деманг. Боламин ҳам тушунинг, дейманда.  
— Бўлди, гап тамом. Сиз билан валақлашиб ўти-



ердаги хотин-қизлардан Ойхонни сўрадим. У умуман сувга чиқмабди. Уйга қираман, ташқарига чиқаман, ўтиргани жой тополмайман... Эртаси кунни қудам қизимнинг ўлигини олиб чиқиб берди. Дод солиб, ҳушимдан кетибман. Бир маҳал ўзимга келсам — атрофимда болаларим, Дарҳол Ойхонни сўрадим. Барча жим. Урнимдан турдим. Ховли тўла тумонат одам. Ҳамманинг кўзида ёш. Кизимни ювишайтган хонага кирдим. Бечоранинг ҳаммаёғи моматалоқ, ҳаттоки бошидан сизиб чиққан қон ҳам қотиб қолган. Шунда англадимки, қизимни ваҳшийларча ўлди-

# ОЙХОННИНГ ОЧИК КЕТГАН КЎЗЛАРИ

ўйнаб кел!  
— Аям келиб қолса-чи?  
— Ўзим бошлаб бораман.  
Қизалоқ гўёки онаси келиб қоладигандек деразадан кўчага қарай-қарай ўйинхонага чиқиб кетди. Узини зўрға тутиб турган аёл йиғлаб юборди. Мен дарҳол онахонга чой узатдим, юпатишга тушдим. Ноўрин савол бериб қўйибман, дея хижолат бўлдим. Бироздан сўнг ўзини босиб олган аёл кизи ҳақида гапира кетди.  
... Қизим Ойхон оилада ажаю янонам, қизимнинг оқу қораси, Худога нола қила-қила ўн йил деганда толган болам эди. Ундан сўнг бирин-кетин тўрт укаси туғилди. Оракиб кутганимиз учунми, барибир Ойхонимга меҳримиз бўлакча эди. У туғилганда дадасининг қувончини кўрсангиз. Унга атаб турли-туман кийим-кечаклар олиб келибди. Ҳаттоки, бешикчали кўйирчоқ ҳам. Мени эса ўпақгани жой тополмайди. Ахир, бу орзумимиз бизни гўёки тахтга чиқариб қўйганди-да. Қайнонам ўлига "Қўйвор шу хотинингни, туғмасни бошинга урасаними, онаси ўлмаганини олиб бераман", деб ҳоли-жонига қўймади. Аммо турмуш ўртоғим доим мени дерди. Биз севинишди турмуш қурмаганимиз, у кишини тўй кунни кўрганман. Меҳр кўзда дейишди. Бир-биримизга бўлган меҳримиз бизни қаттиқроқ боғлади.

ришга тоқатим йўқ, — дея юзини ўгириб олди. Урнимдан туриб уйга қайтдим. Уч қуддан сўнг қизим кўзи кўкарган ҳолда кириб келди. Эри анави ўлгурдан чекиб келиб урар, онаминг ҳамма ишини қиласан, бўлмаса тақир-тўқрингни орангга юклаб асфаласофилнинг жўнатвораман, дея дўқ-пўпўса қилар экан. Болам бечора бу гапларни ҳеч қимга айтманг, дея хўп йиғлади. Мен эси паст хотин шунча кўргуликларни билиб туриб ҳам қизимни ахратиб олишини ўйламабман. Болам бечора турткилашлардан боласини етти ойлиғида туғиб қўйди. Яхши нягтлар ила унга Мафтунга дея исм қўйдиқ. Туғруқхонадан қайтган қайнонаси унинг олдига бир уюм кирни қўйиб: "Биз ҳам саюкзотасини туққанмиз, келинпояш! Ястанди ётавермасдан қиларни ювинг!", дея Ойхонга кир юадирибди. Бу ҳам етмаган-дек эртаси кунни тандир қилиш учун лой тепдирибди. Индинга у зўрға уйга келди-да, йиқилди. Тезда касалхонага олиб бордик. Боласини қудам менга ташлаб кетди. Кунига икки мартаба олиб бериб эмиздириб келаман. Қизим соғайиб уйга қайтди. Аммо тез-тез у ёқ-бу ёғи кўкариб келар, менга билдирмасликка ҳаракат қилар эди. Қизалоғи ҳам уч ёшдан ошди. Куёвим гоҳида "Нега тугмайсан", дея урармиш. Буни ҳам қўни-қўшниллардан эшитиб, ичимдан зил кетаман. Аммо қўлимдан нима ҳам келарди. Бу орада қудамнинг бир қизи оиласидан ажралиб, уч боласи билан қайтиб келди. Қизим бечорани гоҳида сув олишга чиққанида қўриб, зилиб кетаман.

Уша машўум воқеа юз берганида биз оила аъзоларимиз билан ёйилган майизларни қоплаш учун адирга кетгандик. Кетаятиб нимагадир юрагим гашланди, орқамга қарай-қарай йўлга тушдим. Майизларни қоплаб уйга қайтишим билан қўлимга пақирни олиб сувга чиқдим. Шу

ришган. Ховлига чиқдимда қудамнинг ёқасига чанг солдим.  
— Ваҳшийлар, ёвузлар, қотиллар! Йўқол! Бирортангни ҳам кўрмай! Йўқол! Аёллар мени тортиқлаб уйга олиб киришди. Қани эди ваҳшийларни битта-битталаб бўғизласам. Ойхонимнинг ҳар бир тола сочи учун қасд ололсам... Уни сўнгги манзилга қўйиб келдик. Бир кунни қўшни аёл вихдонни қийналаётганини, сўнгги мартаба қизимни ўз кўзлари билан кўрганини айтди. Уша кунни у Ойхонни сўраб, уларникига қаран экан. Уйнинг ичкарасида қайнона ва қайсингиллари уни ҳар томондан темир қосов билан уришайтганини кўрибди. "Хой имонсизлар, зolimлар, нима қиялсизлар!", дея кутқармоқчи бўлган экан, қудам уни итариб ташлаб: "Жим бўл! Бўлмаса кунингни кўрасан, бор йўқол!", дея ҳайдади. Ойхон унга "Мени кутқаринг!", дея зорланибди. Улар Ойхоннинг озгига сирқа қўйиб, чиқиб кетишди. Қўшни аёл эса келиб эшигимизни тақиллатибди. Афсуски, уйда ҳеч ким йўқ экан...  
Менинг болам пок, фариштадек бечор эди. Уни ўз қўлим билан дўзахга ташладим. Ўз қўлим билан-а! Мафтунга аясини сўраса нима деб жавоб беришни билмай қўйналаман. Эй, Худо! Ҳеч бир бандангни болам деб йиғлатмагин! Менинг жойимга сен кетдинг-а, болам, Ойхоним! Мени бўзлатиб кетдинг-а! Мен нодон онангни кечир, болам!

**Аянинг нолаларини оққа кўчирувчи Хонбиби ҲИММАТ қизи**

## AJAB DUNYO

### ОЧКЎЗ КАПАЛАК

➤ Венадаги машҳур "Пратер" хиббонида энг кўча чархпалак ишламоқда. Унинг бўйи 65 метр бўлиб, бир аср муқаддам австриялик ҳамда англиялик муҳандислар томонидан яратилган. Бу чархпалак ўша давр учун техника мўъжизаси ҳисобланган. Бироқ ҳозир ҳам энг кўп одам унга чиқмоқда.

➤ Британияда чоп этилувчи "Бизнес трэвеллер" журнали ўз муштарийлари ўртасида жаҳондаги энг машҳур аэропортини аниқлаш мақсадида савол-жавоб ўтказди. Унга кўра, Сингапурдаги Чанги аэропорти "Дунёда энг яхши" деб тан олинди. Аэропортта йўловчиларга хизмат кўрсатишининг энг янги усулларидан фойдаланилади. Бу ерда йўловчилар учиб олди-ҳатто ҳатто сузиш ҳавзасида чўмилиб олишлари ҳам мумкин.

➤ Жонзотлар орасида ҳид билиш бўйича энг сезгири қуя экан. Аузалар ҳам ундан қолишмайди. Яна буюр-нқушлар, денгиз қушлари уч километрдан ортик масофаданок балиқ хидини сезишаркан. Шунингдек, қуғур-қуғурларда ҳам бундай хислат жуда кучли. Улар ўзларига ин қуришда ана шу қобилиятидан фойдаланишади, яъни баъзи текич-кўр жонзотлар учун захарли бўлган ўт ва қўқатларнинг пояларидан ин қуради. Бу эса унга текич-ўрлар яқинлашувиини 80 фоизга камайтиради.

➤ Шимолий Америкада учрайдиган полимелий капалаги дунёда энг кўп озик истеъмол қиладиган жонзот экан. У ҳаётининг биринчи 48 соатида шунчалек зўр илтиҳа билан озикланарканки, натижада шу вақт мобайнида ўз оғирлигини 86000 марта ортириб юбораркан. Бу уч кило 17 грамм оғирликда туғилган чакалоқ 273 тонна овқатни паққос еб қўйиши билан баробар.

➤ Старо-Загора шаҳри яқинида жойлашган Гранит қишлоғидаги дуб дарахти нафақат Болгарияда, балки Европадаги энг кекса дарахтдир. Олимлар унинг ёшини 16500 марта деб тахмин қилишмоқда. Шунчалек узоқ умр кўрган дарахт бўлишига қарамай, дуб ҳалиям гўзал бўлиб, бўйи 23,5 метр, кенглиги эса 7,46 метрдр. Старо-Загорага келган сайёҳлар, албатта, "қария" билан расмига тушмай кетмайдилар.

### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ БОДОБ БЎЛСИН!

"Aloqinvest" OAJ жамоаси Қашқадарё КМК бошлиғининг муовини Шавкат Бегматовга онаси **ПУЛАТЎЛ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор қилади.

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlara aloqa korxonasi" филиали жамоаси Навоий вилояти 10- Шаҳарларо магистрал алоқа техник боғламасининг бошлиғи Малик Сиддиқовга отаси **Талғат ота СИДДИҚОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:**  
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Илҳат АҲМЕДОВ (бош муҳаррир уринбосари)  
Шавкат ОВДИЎЖАЕВ  
Миралая САБИЛОВА  
Дутфалло ТУРСУНОВ (масъула қотиб)  
Раҳмонжон ТУРҒУНОВ  
Алишер ХУҲАЕВ  
Асрор ЭШПОНХУҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Солиҳжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган қўлма ва суратлар мазмунга қайтарилмайди.  
Муаллафларнинг фикрлари таҳририят фикрларини фойдаланиши мумкин.  
Наширданлан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.  
Таърир материаллари — 1.  
Реклама материалларининг таърирлиги таҳририят жавабгар эмас.  
Рақам ва далилларни ҳаққонийлик учун мақола муаллифи масъулдр.  
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Мавзаламиз: 70000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-уй.  
Тел.: 136-33-29, 136-41-94. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz.  
Нашр қиларгани — 227; 228.  
Ҷумча кунлари чиқмади.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Мавзая: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

270-С сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.